

ЮРИДИК ШАХС ВА ЮРИДИК ШАХС СИФАТИДА ШАКЛЛАНМАГАН ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРГА ТЕЛЕФОН АЛОКАСИ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШ ШАРТНОМАСИ

25. янв. 2022 й.

№: 3

Шурчи (шаҳар, туман)

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан берилган лицензия ва "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси Устави асосида иш юритувчи "Ўзбектелеком" АК Сурхондарё филиали директори Ш.Норкучкарнов номидан буидан буён "Оператор" деб аталувчи Шурчи телекоммуникация боғламаси бошлиғи Маллаев К бир томондан ва буидан буён «Абонент» деб аталувчи,

Юридик шахс (Хусусий тадбиркор)	
Талабнома берувчининг Ф. И. Ш.	Шурчи туманидаги Қўшма таълим бўлими
Манзили:	Мустақиллик кўчаси 86-қўй (юридик маълумотга эга бўлмаган ХТ учун ижарага олинган)
ёки хусусий турар жой бўлмаган бинонинг манзили)	
Рахбарнинг лавозими, Ф. И. Ш.	З. Қурраёев (ХТ ва хўжалик ҳисобидаги)
корхоналар учун рахбарнинг уй манзили ва телефони)	

иккинчи томондан Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳужжатларига ва «Умумий фойдаланишдаги телекоммуникациялар тармоғида телефон алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидалари»га биноан қуйидагилар тўғрисида ушбу шартномани туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

Оператор телефон алоқаси хизматларини кўрсатиш, Абонент эса, шартнома шартларига мувофиқ ушбу хизматлар учун тўлов тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.1 Абонентга ажратилган абонент рақамлари рўйхати.

улардан маълумот хизматлари учун

1.2 Абонент (охирги) қурилмаси тури, уларнинг сони, ўрнатилиш жойи

(телефон, уяли телефон, модем, факс, телекс, интернет ва бошқалар)

1.3 _____ гача хизмат кўрсатилади.

1.4 Тўғридан-тўғри симлар _____

(сони, уларнинг рақамлари)

1.5 Параллель қурилмаларнинг сони, рақами _____

1.6 Кўрсатилган хизматлар тўлови бўйича ҚҚС мавжудлиги _____ (ҚҚС билан, ҚҚСсиз)

1.7 Абонент тоифаси Бюджет (бюджет, хўжалик ҳисобидаги)

2. ТОМОНЛАРИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1 Оператор қуйидагиларга мажбур:

2.1.1 Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги стандартлари, қоидалари ва нормаларига мувофиқ ўз вақтида, белгиланган сифат даражасида телефон алоқаси хизматларини кўрсатишга.

2.1.2 Абонентнинг станция техник носозликлари ва линия-кабель шикастланишларини бартараф этишга аризаларни қабул қилиш, рўйхатга олиш ва уларни Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан белгиланган 20 кундан ошмаган, норматив муддатларда бажарилишини таъминлашга.

2.1.3 Телефон алоқаси Абонентнинг айбонисиз бузилган ҳолларда, Абонент томонидан таъмирлаш бюросига ариза берилган кундан бошлаб, абонент қурилмасининг ишламаган бутун даври учун абонент тўловларини қайта ҳисоб-китоб қилишга.

2.1.4 Станция ва линия-кабель иншоотларини режадаги реконструкция қилиш ишлари натижасида телефон алоқаси вақтинча узиладиган ҳолларда, Абонентларни оммавий ахборот воситалари орқали хабардор қилишга.

2.1.5 Техник сабабларга кўра, абонент рақамининг ўзгартирилиши тўғрисида тақдим этилганлиги ҳақидаги хабарнома билан Абонентни ёзма равишда камида 10 кун олдин хабардор қилишга.

2.1.6 Янги телефон станцияларининг жорий этилиши ва телефон тармоқларини реконструкция қилиниши муносабати билан Абонентнинг розилигисиз, лекин амалдаги «Қоидалар»га асосан олдиндан хабардор қилган ҳолда, телефон рақамларини бепул алмаштиришга.

2.1.7 Абонентнинг аризасига кўра, аризада келтирилган муддатга рақамни сақлаган ҳолда, телефонни вақтинча ўчиришга. Бунда рақамни сақлаш вақти учун абонент тўлови олдиндан ундирилади.

2.1.8 Маҳаллий телефон алоқаси хизматларига вақтбай ҳақ тўлаш тизимидан фойдаланган ҳолда ҳисоб varaгини чиқаришда ҳақ тўланган даврга алоҳида ҳақ учун батафсил изоҳланган ҳисобни тақдим этишга.

2.1.9 Операторда рўйхатга олинмаган ёки мувофиқлик сертификатига эга бўлмаган Абонент томонидан фойдаланиладиган охириги қурилмалар (телефон аппаратлари, телематик хизматлар, маълумотлар узатиш қурилмаларини, радиотелефонлар, радиоўзайтиргичларни, рақамни автоматик аниқлагич (РАА) ва ҳоказо)ни икки томонлама далолатнома тузган ҳолда ўчиришга.

2.1.10 Абонент қурилмасини телефон алоқаси тармоғидан вақтинчалик узиб қўйиш йўли билан телефон алоқаси тармоғидан фойдаланишини тўхтатиш:

- Маҳаллий, халқаро ва шаҳарлараро телефон алоқаси хизматларига тўловлар, ўчириб қўйишдан камида 10 кун олдин Абонентга бу ҳақида телефон орқали ёки ёзма хабарнома билан маълум қилиниб, белгиланган муддатда тўланмаганда;

- Абонент томонидан телекоммуникациялар Операторининг коммутация ускуналарини нормал ишлашини бузилишга олиб келиши мумкин бўлган абонент қурилмаларидан фойдаланиш қоидалари бузилганида;

- 2.2.7-банд шартлари бузилганда, икки томонлама далолатнома тузган ҳолда бузилишлар бартараф этилгунга қадар;

Абонент қурилмаларининг вақтинчалик ўчирилишига олиб келган бузилишлар бартараф этилгандан кейин, кўрсатилган хизматлар учун ҳақ, шунингдек абонент қурилмаси Абонент айби билан ишламаган вақт учун абонент тўлови Абонент томонидан тўлангандан кейин бир кеча-кундуз ичида абонент қурилмасини улаш. Бунда улаш учун тўлов олинмайди.

2.1.11 Абонент томонидан сотиб олинган телематик хизматларнинг охириги қурилмаларини (телефакс, телекс, модем, видеотекс, интернет, маълумотлар узатиш ва бошқалар) шартномага қўшимчалар киритган ҳолда (7-бўлимга биноан) рўйхатга олишга.

2.1.12 Шартнома шартларига биноан, барча кўрсатилган телекоммуникация хизматлари учун Абонент томонидан тўловлар тўланганида, унинг хоҳишига кўра шартномани бекор қилишга.

2.2 Абонент қуйидагиларга мажбур:

2.2.1 Ўз телефони ва/ёки бошқа охириги қурилмалардан амалга оширилган, кўрсатилган телефон алоқаси хизматлари (шу жумладан, тармоқларнинг техник имкониятлари билан белгиланган ва барча Абонентлар учун очик бўлган телекоммуникациянинг қўшимча хизматларидан, жумладан интеллектуал тармоқлардан фойдаланилганлиги, маълумотлар узатиш ва Интернет, ахборот ресурсларидан фойдаланиш хизматлари тармоғидан паролсиз фойдаланганлиги) учун ўз вақтида тўловни амалга ошириш. Ушбу шартномада кўрсатилмаган ва талабга биноан кўрсатилган хизматлар учун амалдаги тарифларга мувофиқ ҳақ тўлаш.

2.2.2 Ҳар ойда бир мартаба Оператор билан тўловларни ўзаро солиштириш далолатномасини тузиш.

2.2.3 Операторга тегишли ёки Оператор томонидан хизмат кўрсатиладиган ва Абонент фойдаланаётган телефон сими ва бошқа ускуналарни бут ва соз (ишга ярокли) ҳолатда сақлаш. Абонентга тегишли ёки Абонент томонидан ижарага олинган телекоммуникациялар воситаларининг техник нормаларга мослигини таъминлаш.

2.2.4 Алоқа бузилганлиги тўғрисида телекоммуникация боғламасининг таъмирлаш бюросига ўз вақтида хабар бериш.

2.2.5 Бир ойлик муддатда ёзма равишда санани кўрсатган ҳолда, Операторга ҳисоб рақамларининг, ташкилот номининг ўзгариши, хонани ижарага берилиши ҳақида хабар бериш ва амалдаги тариф бўйича тўловларни тўлаш билан шартномани қайтадан тузиш ёки уни бекор қилиш. Ижара муддати тугагандан ёки ижара шартномаси бекор қилингандан сўнг телефон алоқаси хизматларини кўрсатиш бўйича шартнома ижарага олувчидан ижарага берувчига тўловсиз расмийлаштирилиши мумкин. Ижарага берувчи ижара шартномасини бекор қилар экан, ижарачининг Оператор олдидан қарзларининг қоплалишини назорат қилади ва қарзларнинг мавжудлиги учун белгиланган тартибда жавобгардир.

2022 й. « 25 » январдаги Шурчи туман Халқ таълими бўлими ва
Шурчи Телекоммуникация боғланмаси ўртасида
1319976 сўм умумий суммага тузилган 3- сонли шартномага

ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ

Боб _____
Шахсий ғазна ҳисобварақ 100022860222267092100075066

(сўмда)

20 <u>22</u> й. ойлар номи.	Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди)			Жами
	4292100			
Январь	439992			439992
Февраль	439992			439992
Март	439992			439992
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
Жами йил бўйича	1319976			1319976

Жами 1319976 сўм (Бир миллион уч юз ўн тўққиз минг тўққиз юз етмиш олти) сўм
сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан _____ сўм ёки шартноманинг умумий суммасидан
_____ %*** 20 _____ ойида тўланиши лозим.

(*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(**) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(***) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан оёйга _____ % жорий оёйнинг _____ санасигача ҳар оёйда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари

М.Ў.

Буюртмачи
бош бухгалтери



(имзо)

З.Хуррамов
Ф.И.О.

(имзо)

Э.Имомов
Ф.И.О.

Ғазначилик бўлинмасининг
ходими қабул қилди _____
(имзо)

Буюртмачи ходими
қабул қилди _____
(имзо)

20__ й. «__» _____

20__ й. «__» _____

Шурчи тумани Халқ таълими булими билан Шурчи Телекоммуникация боғланмаси уртасида тузилган 2022 йил
 _24- январдаги № 3 сонли шартнома тузилган алоқа хизмати

СПЕЦИФИКАЦИЯ

Т/Р	Махсулот (иш-хизмат) номи	Улчов бирлиги	Сони	Нархи	Суммаси
1	Телефон хизмати	мин	109998	12	1 319 976
2					
	Жами	х	х	х	1 319 976



YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

1.Loyihaning turi. Shartnoma

2.Loyihaning nomi. Sho'rchi tumani Xalq talimi bo'limi tomonidan telefon aloqasi xizmati uchun shartnoma tuzish to'g'risida.

3.Loyiha ishlab chiqaruvchisi va kiritilgan sana haqida ma'lumot.

Buyruq loyihasi Sho'rchi tumani Xalq talimi bo'limi tomonidan ishlab chiqilgan va markazga huquqiy ekspertizadan o'tkazish uchun 26.01.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz boshlig'i



M.Boboyarov

26.01.2022 yil